Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана

№19 (368)
2020 йил 10 март, сешанба
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

## РОССИЯ ВА ОЗАРБАЙЖОН БИЛАН ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 март куни Россия Федерацияси ва Озарбайжон Республикаси билан икки томонлама инвестициявий ва савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва ривожланиш истиқболлари муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Кейинги йилларда ушбу мамлакатлар билан ўзаро савдо ва инвестиция кўрсаткичлари муттасил ортиб бораётгани қайд этилди. Хусусан, 2019 йил якунларига кўра Россия билан товар айирбошлаш ҳажми ўтган йилгига нисбатан 17 фоизга ортиб, 6,6 миллиард долларни ташкил этди, Озарбайжон билан икки томонлама савдо ҳажми эса 55,7 фоизга ошди.

Инвестициявий ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. Ўтган йили Ўзбекистонда Россия сармояси иштирокида 484 та янги корхона ташкил этилиб, уларнинг сони умумий ҳисобда 1 минг 828 тага етди. Бугунги кунда мамлакатимизда Озарбайжон капитали иштирокида ташкил этилган 178 та корхона фаолият юритмоқда.

Йиғилишда ушбу мамлакатлар билан қўшма лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш ҳамда инвестиция, савдо ва транспорт-логистика соҳаларидаги икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича янги таклифлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Россия Федерацияси билан бўлажак икки томонлама тадбирлар муҳокама қилинди. Хусусан, россиялик шериклар билан 3,5 мингта иш ўрни яратиш имконини берадиган қиймати 7,3 миллиард долларлик лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

Озарбайжонлик ҳамкорлар билан саноат кооперациясини йўлга қўйиш доирасида умумий қиймати 355 миллион доллардан зиёд лойиҳалар ишлаб чиқилаётгани таъкидланди. Жумладан, енгил автомобиль ва автобуслар йиғишни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Нефть-газ соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик кенгаймоқда.

Ушбу тадбирларни мазмунан бойитиш зарурлиги алоҳида қайд этилди, ишни самарали ташкил қилиш бўйича устувор вазифалар белгиланди.

Жорий ойда Озарбайжон ва Россия билан қатор икки томонлама тадбирлар режалаштирилган. Хусусан, 16-17 март кунлари Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўртасида ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия йиғилиши, март ойининг учинчи ўн кунлигида эса Россия Федерацияси билан шундай тадбир ўтказиш мўлжалланган.

Президент Шавкат Мирзиёев Россия ва Озарбайжоннинг етакчи компания ва ташкилотлари билан савдо ва инвестициявий ҳамкорликни фаоллаштириш, шерикликнинг янги йўналишларини ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берди.

Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, саноат, шу жумладан, агросаноат, транспорт ва логистика, таълим ва инновациялар Россия билан ҳамкорликнинг янги устувор йўналишлари сифатида белгиланди.

Озарбайжон билан аграр саноат, узумчилик ва виночилик, заргарлик, нефть ва газ, транспорт ва логистика, таълим соҳаларида қўшимча янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш топширилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан алоқадор вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди, вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар белгиланди.

**ЎзА.**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯНИНГ «РЕНЕССАНС ХОЛДИНГ» КОМПАНИЯСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 март куни Туркиянинг етакчи инжиниринг ва қурилиш компанияси – «Ренессанс Холдинг» президенти Эрман Илижак бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Ушбу учрашув ўтган ой Анқарада ўтказилган олий даражадаги Ўзбекистон – Туркия музокараларининг мантиқий давоми бўлди.

Бугунги кунда «Ренессанс Холдинг» компанияси мамлакатимизда умумий қиймати 2 миллиард доллардан зиёд бўлган йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда.

Хусусан, Тошкент вилоятининг етакчи металлургия корхоналари негизида замонавий объектлар – лойиҳавий қуввати йилига 60 миллион тонна бўлган мис бойитиш фабрикаси ва қуввати 1 миллион тоннагача бўлган металл прокати ишлаб чиқариш мажмуасини барпо этиш лойиҳалари тайёрланмоқда.

Учрашувда ушбу лойиҳалар доирасидаги амалий ишларни жадаллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, Туркия компаниясининг дастлабки босқичда Тошкент шаҳрида, кейинги босқичларда Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида илғор халқаро тажриба ҳамда технологияларни жалб қилган ҳолда кўп тармоқли шифохоналар ташкил этиш борасидаги лойиҳавий таклифлари тақдимоти ўтказилди.

Мазкур лойиҳалар давлат-хусусий шериклиги асосида амалга ошириладиди, шунингдек, туркиялик ҳамкорлар шифохоналарни бошқариш ва юқори малакали тиббиёт мутахассисларини тайёрлашда иштирок этади.

Бундан ташқари, муҳим ижтимоий объектларни реконструкция қилишда, инжиниринг, лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳаларида ҳамкорлик имкониятлари кўриб чиқилди.

**ЎзА.**

БУГУНГИ СОНДА:




Қурилиш сифатини оширишга жиддий эътибор қаратилади 2



Шаҳарсозлик кодекси – аҳоли фаровонлиги учун хизмат қилади 2



Қўғирчоқ театри замонавий бинода иш бошлайди 4


## 350 хотин-қиз ишли бўлди

**Наврўз байрами арафасида «Indenim» масъулияти чекланган жамияти Сурхондарё вилояти аҳолиси ва меҳмонлар учун ажойиб совға туҳфа этди. Термиз шаҳрида тўрт қаватли замонавий кўнгилочар савдо марказини фойдаланишга топширди.**








Айни пайтда мамлакатимиз ҳудудларида 17 та «Indenim» кийим-кечак маркази аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Термиз шаҳрида бунёд этилган янги марказ улардан тубдан фарқ қилади. Муҳташам бинонинг биринчи қаватида мижозлар озиқ-овқат маҳсулотлари ва маиший техника воситаларини харид қилиши мумкин. Иккинчи қаватда «Indenim» бренди асосида Термиз шаҳридаги «ZIF TEXTILE» масъулияти чекланган жамиятида болалар ва катталар учун ишлаб чиқарилган кийим маҳсулотлари, учинчи қаватда хорижнинг энг сара кийим брендлари жой олган. Шунингдек, миллий таомлар ресторани барпо этилган. Тўртинчи қаватда болалар учун ўйингоҳ, боулинг ҳамда фаст-фуд қурилиб, замонавий усулда жиҳозланган. Эскалатор ва лифтлар ўрнатилган.

Янги марказнинг ишга туширилиши билан Термиз шаҳрида истиқомат қилаётган тўрт юзга яқин киши доимий иш билан таъминланди. Уларнинг 350 нафари хотин-қизлардир.

– Ўтган йили коллежни тугатиб, ўзимга муносиб иш излаётган эдим, – дейди Термиз шаҳридаги Каттабоғ маҳалласида яшайдиган Шаҳризода Отамуродова ЎзА мухбири Холмўмин Маматрайимовга. – Янги марказга ишга қабул қилишаётганини эшитиб, бу ерга келдим. Дид билан қурилиб, жиҳозланган бино ва яратилган шароитлар менга манзур бўлди. Иккинчи қаватга сотувчи бўлиб ишга кирдим. Мана шундай кенг, ёруғ ва кўркам замонавий савдо марказида халқимизга сифатли хизмат кўрсатишдан фахрланаман. Яқин орада мижозларга онлайн хизмат кўрсатишни ҳам бошлаймиз.

Маълумотларга кўра, «Indenim» масъулияти чекланган жамиятининг Термиз шаҳридаги «ZIF TEXTILE» тикувчилик корхонаси ва мамлакатимиз ҳудудларидаги кийим-кечак марказлари ҳамда Термиз шаҳрида қад ростлаган кўнгилочар савдо марказида 5 минг киши меҳнат қилмоқда.

Қурилиш дизайни, жиҳозланиши ва кўркамлиги билан ҳозирча воҳада ягона бўлган муҳташам кўнгилочар савдо марказининг тантанали очилиш маросимида Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов сўзга чиқди.


STEKLOPLASTIK
РАЗРАБОТКА И ПРОИЗВОДСТВО

Долгий срок службы
Гарантия от производителя на композитную арматуру – более 80 лет.

Удобство покупки
Возможность покупки необходимого метража для выполнения строительных работ.

Невысокая цена
При равнозначной замене, использование композитной арматуры дешевле в 2 раза.

Прочность при растяжении
Композитная арматура превосходит металлическую по данному показателю в 2-3 раза в зависимости от марки.

Меньший вес
Композитная арматура легче равнозначной по диаметру металлической арматуры в 9 раз.

Устойчивость к щелочи
Устойчива к щелочной среде бетона.

Удобство работы с материалом
Для монтажа композитной арматуры не нужен сварочный аппарат и другие дополнительные инструменты.

Удобство при транспортировке
10 кг такой арматуры помещается даже в богажник легкового автомобиля.

ISO 9001:2015



93 330 20 78 98 273 33 73
steklopl@mail.ru www.stekloplastik.uz
Самаркандская область, Самаркандский р-н, п. Андижани.
Товары сертифицированы.

# Қурилиш сифатини оширишга жиддий эътибор қаратилади

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси ҳамда «Ўзстандарт» агентлиги ҳамкорлигида матбуот анжумани ўтказилди. Унда қурилиш-монтаж ишларининг сифатини яхшилашга доир қонунчилик ҳақида ҳам атрофлича маълумотлар берилди.**



Президентимиз томонидан жорий йилнинг 5 февраль куни имзоланган «Қурилиш-монтаж ишлари сифатини тубдан яхшилаш ва қурилишни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарори қурилиш назорати соҳасида туб бурилишларга йўл очди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги мутасаддилари мазкур қарорнинг қабул қилиниши муносабати билан яратилган қулай шарт-шароитлар хусусида тўхталиб ўтдилар.

– Қарорда Қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг бошқарув ходимлари чекланган сони 40 нафардан иборат тузилмаси, ҳудудий назорат инспекцияларининг намунавий тузилмаси тасдиқланди, – дейди Қурилиш вазирлиги бош мутахассиси Элдор Исҳоқов. – Авваллари ҳар бир туман кесимида биргина штат бирлиги мавжуд бўлиб, инспекторга 135 тагача бўлган қурилиш объектлари тўғри келган. Эндиликда ҳудуддаги объектлар сони ҳисобга олиниб, штат бирликлари кўпайтирилади ва ўртача ҳисобда ҳар бир инспекторга 30 тагача қурилиш объекти тўғри келади. Эндиликда, объектларнинг лойиҳа ҳужжатларини экспертиза қилишга, объектларда давлат қурилиш назоратини амалга ошириш тартиби ва даврийлигига қўйиладиган табақалашган талаблар уларнинг хавф-хатарлар тоифаси ва функционал мақсадларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Булардан ташқари, мазкур қарор билан, Инспекцияга давлат қурилиш назоратини амалга ошириш доирасида бир қатор ҳуқуқлар ҳам яратилгани таъкидлаб ўтилди. Жумладан, бино ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи конструктив ҳуқуқбузарликлар аниқланган ҳолатларда қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиб туриш ва демонтаж ишларини амалга оширишни талаб қилиш белгилаб қўйилди.

Юридик ва жисмоний шахсларга объектдаги ҳуқуқбузарликларни бартараф қилиш учун мос равишда, бироқ, 60 кундан ортиқ бўлмаган муддатни белгилаган ҳолда, аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш, лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасида фаолиятни амалга ошириш учун лицензиялар ва рухсат берувчи ҳужжатларни тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш масалаларини ҳал қилиш юзасидан тегишли органлар ҳамда ташкилотларга тақдимномалар юбориш мумкин бўлади. Объектларда бино ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмлар қўлланилгани аниқланган ҳолларда, қурилиш материаллари ва буюмлар ишлаб чиқариш, сотиш ва қўллашни тўхтатиб туриш ҳақида тегишли ташкилотларга тақдимномалар юбориш ишлари шулар жумласидандир.

Тадбирда «Ўзстандарт» агентлиги мутасаддилари томонидан бу борадаги ишлар ҳақида маълумотлар келтирилди. Қайд этилишича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги ҳамда 2020 йил 5 февралдаги Қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқарилаётган ва импорт қилинаётган қурилиш маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича тўлиқ синовларни бажариш борасида қатор ишлар олиб борилмоқда. Соҳалар кесимида биргина 2019 йилда 2 минг 796 та стандарт қабул қилинган бўлиб, шундан 2 минг 744 таси халқаро талаблар билан уйғунлаштирилган, хусусан қурилиш соҳасида 532 та, металлургия ишлаб чиқариш соҳасида эса 210 та стандартлар қабул қилинди.

2020 йилнинг 1 март ойи ҳолатига кўра 153 та стандартлар қабул қилинган бўлиб, шундан 150 таси халқаро талаблар билан уйғунлаштирилган, уларнинг 8 таси қурилиш, 11 таси эса металлургия соҳаларига тааллуқли. Шунингдек, қурилиш саноатида 324 та корхонада менежмент тизимлари бўйича сертификатлар расмийлаштирилган бўлиб, қурилиш маҳсулотлари синов лабораториясини модернизациялаш, маҳсулотларни синов базасини янгилаш учун 2,7 млрд сўмлик 9 дона замонавий синов ускуналари харид қилингани, лабораторияларда металл, цемент ва санитар-техник арматура маҳсулотлари бўйича қўшимча 50 дан зиёд синов услублари амалиётга жорий этилгани ҳақида ҳам ОАВ ходимларига тушунтиришлар берилди.

– 2020 йилда қурилиш маҳсулотлари синовларини тўлиқ амалга ошириш мақсадида жами 120,0 минг долларлик 17 турдаги синов ускуналарини харид қилиш режалаштирилган, – деди «Ўзстандарт» агентлиги ҳузуридаги департамент бўлим бошлиғи Абдураҳмон Исматов. – Тошкент шаҳрида халқаро стандартлар, талаб ва меъёрларига мувофиқ маҳсулотлар синовларини тўлиқ амалга оширадиган замонавий синов ва назорат лабораторияларидан иборат «UzTest» давлат корхонасининг синов ва назорат комплексини ташкил этиш бўйича, Олмазор туманида 2,0 гектар ер майдонида қурилиш ишларини амалга ошириш юзасидан лойиҳа-пудратчи ташкилотлари билан музокаралар олиб борилмоқда.

Қўшимча қилиш керакки, мамлакатимизда қурилиш кўлами кенгайган сари қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Ҳозирги вақтда юртимизда темир-бетон ишлаб чиқаришга ихтисослашган қарийб 400 та корхона мавжуд. Биргина Жиззах ва Самарқанд вилоятларининг ўзида уларнинг сони 40 дан ортиқни ташкил этади. Республика бўйича ҳар йили 225 минг тонна темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Матбуот анжумани якунида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида ўтказилган мажлисида депутатлар «Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексини тасдиқлаш ҳақида»ги (янги таҳрир) қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.**

# Шаҳарсозлик кодекси – аҳоли фаровонлиги учун хизмат қилади



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 ноябрдаги «Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5577-сон Фармонида Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасини тайёрлаш белгиланган эди. Мазкур кодекснинг янги таҳрирдаги лойиҳасини тайёрлашда Россия, Германия, Америка Қўшма Штатлари, Канада, Буюк Британия, Финляндия, Беларус, Қозоғистон ва Озарбайжон тажрибалари атрофлича ўрганилган.

Амалдаги Кодекс маънан эскирган бўлиб, унда шаҳарсозликни техник тартибга солишнинг замонавий механизмлари ва рақобат муҳитини яратиш тизимлари кўзда тутилмаган.

Кодекснинг янги таҳририда эса, 26 та янги модда қўшилиб, амалдаги 20 дан ортиқ модданинг мазмун-моҳияти кенгайтирилган. Жумладан, шаҳарсозлик фаолияти соҳасига оид қарорларни муҳокама ва қабул қилиш, лойиҳа ҳужжатларининг экспертизасини амалга ошириш, соҳада рақобатни қўллаб-қувватлаш, лицензиялаш ҳамда аккредитациялаш, қурилишни назорат қилиш ва амалга ошириш, фаолиятнинг молиявий таъминоти, суғурталаш ҳамда шаффофликни таъминлашни назарда тутувчи янги боблар билан тўлдирилган.

Хусусан, янги таҳрирдаги Кодексга янги «аҳоли пункти», «шаҳар», «шаҳарча» ва «қишлоқ (овул)», объектлар турлари, ўзбошимчалик билан қурилиш қилиш, «урбанизация» тушунчаси, шаҳарсозлик фаолиятида фуқаролар муҳокамаси иштироки ва бошқа ибораларнинг тушунчалари киритилмоқда. Шу билан бирга «Қурилишни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий принциплари» алоҳида янги модда сифатида киритилиши таклиф этилган. Норматив-техник ҳужжатларни жорий этиш юзасидан Кодекснинг янги таҳрирдаги 4-моддасида тасдиқланган шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига киритилган ўзгартиришлар тўғрисидаги маълумотларни махсус ваколатли давлат органи – Қурилиш вазирлигининг расмий веб-сайтига жойлаштириш мажбуриятини юкловчи норма ҳам ўрин олмоқда.

Янги Кодексга яна 12 та модда киритилиб, 11-22-моддаларда шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги қарорларнинг муҳокамасида жамоатчилик назоратининг иштирокини таъминлаш юзасидан нормалар, 23-моддада эса юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарнинг ўрни қопланишини таъминлайдиган норма ҳам киритилди.

Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги буюртмачилар фаолиятини тартибга солиш, 26-моддада янги таҳрирда акс эттирилган бўлса, лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича эса янги 5-боб сифатида (янги 33-35 моддаларни ўз ичига олади) қўшимча нормаларни киритиш назарда тутилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги Қонун лойиҳасига қуйидагича, яъни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги «Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5623-сонли фармонига асосан 2019 йил 1 июлдан бошлаб ер участкаларини хусусийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган миқдорларда пуллик асосда амалга оширилишини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасида ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисидаги тартиб киритилиши таклиф этилган.

Кодексда шаҳарсозлик нормаларининг ишлаб чиқилишининг тартиби муддатлари ва уларнинг йўналишларининг белгиланиши ушбу нормаларни ўз вақтида яратишга ва таъсирчанлигини оширишга имкон беради.

Қурилишга рухсат бериш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган Фармон ва қарорлари ижроси юзасидан бу борадаги ишларни соддалаштириш, муддатларни қисқартириш, қурилишга рухсатнома олиш ўрнига хабарнома жўнатиш орқали қурилишни бошлаш ҳамда оферта шартномаси тузиш механизми жорий этилиши – тадбиркорлар (инвесторлар) томонидан инвестиция киритишга қулайликлар яратиш ва коррупцияни олдини олишга хизмат қилади.

Кадрларни тайёрлаш соҳаси бўйича киритилган янги нормалар эса ушбу йўналишда мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштиради ва жавобгарлигини оширади.

Қурилишни суғурталаш белгиланиши натижасида қурилиш объектларини, қурилиш асбоб-ускуналарини тасодифан зарарланишиши ёки нобуд бўлишининг суғурталаниши таъминланади ва оқибатда қурилиш соҳасига инвестиция киритиш ҳажмини кўпайтиришга кўмаклашади.

Шу билан бирга, қурилишни давлат томонидан тартибга солиш функциялари белгиланиб, қурилиш сифатини яхшилаш, маблағларнинг оқилона сарфланишини таъминлашга хизмат қилади. Қурилишда суғурталаш белгиланиши натижасида лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш ишларини сифатли олиб бориш, аҳоли пунктларининг архитектура қиёфасини яхшилаш, аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.

Шаҳарсозлик соҳасида қарорларни қабул қилишда фуқароларнинг фикрларини кенг ўрганилишини таъминловчи моддаларнинг киритилиши – муайян ҳудуддаги ижтимоий ва бошқа масалаларни ечишда жамоатчиликнинг кенг иштирок этишини таъминлайди, атроф-муҳит муҳофазасини амалга оширишга, инсонларнинг соғлиғини асрашга имкон яратади.

Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг янги таҳрири тасдиқланиши ҳудудларни ва аҳоли пунктларни ривожлантиришни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш, ер участкаларни бериш ва улардан фойдаланиш, бинокорлик материаллари ва буюмларни ишлаб чиқариш, бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг, шунингдек, мазкур ҳудудлар ва аҳоли пунктларнинг миллий, тарихий-маданий, экологик, табиий хусусиятлари инобатга олинган ҳолда лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш ишларини республика ва хориждаги энг замонавий тажрибалардан фойдаланган ҳолда олиб бориш, жамият ва давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини амалиётда ифодалаш ва ҳимоя қилиш, аҳоли пунктларининг архитектура қиёфасини яхшилаш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш имконини беради.

**Акбар РАЖАБОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Қурилиш вазирлиги**
**Юридик бюро бошлиғи.**

# Чиқиндилардан аҳоли эҳтиёжи учун маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда

**Ҳозирда жаҳондаги энг долзарб муаммолардан бири бу чиқиндилар масаласидир. Олдиндаги зарур вазифалардан бири уларни тартибга солишдан иборат. Хўш, мамлакатимизда бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

Маълумки, бугунги кунда ҳудудий ҳокимликлар билан биргаликда маиший чиқиндиларни бошқариш тизимини янада яхшилаш, такомиллаштириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бугунги кунда республикамизда 13 та «Тоза ҳудуд» давлат унитар корхоналари ва уларнинг 174 та туман (шаҳар) филиаллари, Тошкент шаҳрида «Махсустранс» ДУК, марказий шаҳарларда 9 та кластерлар ва 100 та муқобил корхоналар аҳолига санитар тозалаш хизматлари кўрсатиб келади. Кўрсатилаётган санитар тозалаш хизматлари сифатини янада ошириш ва қамровини кенгайтириш, санитар тозалаш корхоналари моддий-техник базаси ва инфратузилмасини мустаҳкамлаш мақсадида кейинги йилларда ҳудудий «Тоза ҳудуд» ДУКлари учун 56 та автокорхоналар қуриб, ишга туширилди. Булардан ташқари 130 та чиқинди полигонида қурилиш-тартибга келтириш ишлари амалга оширилиб, жорий йилда яна 143 та полигонда қурилиш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган ва яна 304 та намунавий типдаги замонавий чиқиндиларни тўплаш шохобчалари қурилиб, 2 561 та чиқинди контейнери билан жиҳозлангани эътиборга молик.

Маълумотларга кўра, 2017 – 2019 йилларда бюджет маблағлари ҳисобидан жами 732 та махсус техникалар харид қилиниб, республика аҳолисининг 48 фоизи, аҳоли яшаш пунктларининг 70 фоиздан кўп қисми санитар тозалаш хизматлари билан қамраб олинди. Аҳолини қамраб олиш 2016 йилга нисбатан 9 баробарга ортган.

2020 – 2021 йилларда бюджет маблағлари ҳисобидан қўшимча 522 та, Осиё тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан 347 та ҳамда Европа тараққиёт ва тикланиш банки маблағлари ҳисобидан 21 та қўшимча махсус техникалар харид қилиниши мўлжалланган. Аҳолини санитар тозалаш хизматлари билан қамраб олиш даражасини 100 фоизга етказиш кўзда тутилган. Маиший чиқинди ҳажми йилига 7 миллион тоннадан зиёд бўлиб, унинг атиги 19 фоизи қайта ишланмоқда.

– Маълумки, чиқиндилардан йиғиш ва уларни саралашни тартибга солиш энг долзарб вазифалардан бири, – дейди Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги «БиотехноЭко» МЧЖ раҳбари Илҳомжон Боқижонов. – Соҳани янада ривожлантириш мақсадида бугунги кунда Ўзбекистонда тармоқларга кластер тизими кенг жорий этилмоқда. Жумладан, чиқиндиларни тартибга солишда ҳам айнан кластерларнинг ўрни ва фойдаси катта бўлмоқда. Аҳолидан келиб тушаётган чиқиндиларни тартибга келтириш мақсадида дастлаб уларни саралаш ишлари олиб борилади. Сўнгра, улар қайта ишланиб, ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Айниқса, бу жараёнда импорт ўрнини боса оладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни, биотехнологияларни кенг қўллаган ҳолда самарали фойдаланишни мақсад қилганмиз. Бугунги кунда корхонамизда 450 нафар ходим меҳнат қилиб, тизимга 100 га яқин техникаларимиз жалб қилинган. Аҳолидан келиб тушаётган шиша, политэтилен, қоғоз, темир, бир марталик пластик идишлар, суяк каби чиқиндиларни қайта ишлаш натижасида (масалан, баклажкалардан) полиэтилен қувурларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Булардан ташқари, гранула ярим тайёр маҳсулотлари, пластик идишлар, таралар, синтетик толалар ишлаб чиқарилмоқда. Айтиш лозимки, кейинги 3 йил ичида жаҳоннинг 6 та давлатлари, жумладан, Япония, Корея Республикаси, Туркия, Дубай, Хитойда бўлиб у ердаги соҳа ходимлари билан тажриба алмашишга эришдик. Шунингдек, Лотин Америкасидан тадбиркорлар келиб, Сурхондарёдаги эришилаётган ютуқларни кўриб, ўзларининг қизиқишларини билдирдилар. Уларнинг таклиф ва инвестицияси асосида энергия ишлаб чиқариш борасида келишувлар имзоладик. Жорий йилнинг 25 март кунидан эса Лотин Америкасига сафаримиз ташкил этилади. Мақсадимиз, у ерда ўз билим ва малакамизни ошириб, улардаги янгиликларни ўзимизда ҳам қўллашдан иборат.

**Наргиза МИРЁҚУБОВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

**Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»га бағишлаб жорий йилнинг 20-25 апрель кунлари ўтказилиши режалаштирилаётган Халқаро тасвирий ва амалий санъат фестивали санъат мухлисларига завқ, ижодкорларга эса илҳом улашувчи лойиҳа бўлиб хизмат қилади.**

# Фестиваль кўтаринки руҳда ўтади

Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъати тараққиётида фаол иштирок этиб келаётган ижодкорларни рағбатлантириш, юртимизда тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн соҳаларини янада оммалаштириш, ёшларни санъатга жалб этиш мазкур ҳафталикнинг асосий мақсадларидан.

Фестивалнинг юқори савияда ўтишида Бадиий академия билан биргаликда Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият, Ташқи ишлар вазирликлари, Ўзбекистон Ёзувчилар, «Тасвирий ойина», «Ҳунарманд» уюшмалари, Ўзбекистон ижодкорларни қўллаб-қувватлаш «Илҳом» жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси каби ташкилотлар муносиб ҳисса қўшиши кўзда тутилган.

– Анъанавий тарзда ўтказиладиган мазкур маданий тадбирда Тошкент архитектура касб-ҳунар коллежи ўқувчилари мунтазам равишда иштирок этиб келади, – дейди коллежнинг махсус фанлар ўқитувчиси, Архитектура ва дизайн кафедраси мудири Равшан Иргашев. – Бу галги ҳафталикда ҳам 10 нафар ёшларимиз ландшафт дизайни, архитектура, биноларни лойиҳалаш, ранг-тасвир, қалам-тасвир, композицион ечимлар каби йўналишларда ўзларининг янги лойиҳаларини танловга тақдим этади. Айтиш керакки, мазкур фестиваль иқтидор соҳиблари учун катта рағбат вазифасини ўташи баробарида, улар ўзларининг олган билим ва орттирган тажрибалари самараси ўлароқ ўз асарлари кўргазмасини ҳам намойиш этиш имкониятини беради. Ушбу санъат байрамида ижодкорлар, халқаро миқёсдаги рассом ва дизайнерлар, меъморлар иштирок этадилар. Бу эса ёшларнинг улар билан очиқ мулоқот олиб боришларига ва келгусида самарали ҳамкорлик қилишлари учун пойдевор вазифасини ҳам ўтайди.

Бугунги кунда шаҳарсозлик тобора ривожланиб бормоқда. Меҳмонхоналар, турли ижтимоий объектларга талаб ҳам ортиб боряпти. Эътиборли жиҳати, бугунги кун ёшлари томонидан янги ғоя ва ташаббуслар илгари сурилмоқда. Коллеж ўқувчилари ўзларининг диплом ишлари доирасида фестивалга турли замонавий кўринишдаги меҳмонхоналарнинг кичик макетлари, лойиҳаларини тақдим этадилар. Айниқса, юқори ландшафт дизайн маҳорати асосидаги «ақлли меҳмонхона» , «ақлли кўнгиолчар маскан» каби лойиҳалар эътиборга молик.

Анъанавий Тасвирий ва амалий санъат фестивалининг тантанали очилиш маросими Бадиий кўргазмалар дирекциясининг ижодий лойиҳаси билан бошланади. Ҳаким Мирзааҳмедовнинг «Рассом ва шаҳар» деб номланган кўргазмасида рассомнинг этюдлари ва ранг-баранг асарларига кенг ўрин берилади.

**Ўз мухбиримиз.**

САМАРҚАНДДАН ХАБАРЛАР

# Эзгу ишлар фаолликка ундайди

**Самарқанд шаҳрининг тўрт томонини олтин ҳалқадек ўраб олган туманимиз ўзининг танти деҳқону боғбонлари, соҳибкорлари билан машҳур.**

Чиндан белбоғ каби бир-бирига боғланган боғроғлар, сабзавот экиладиган ям-яшил майдонлар, токзорларни қадимий кентнинг олтин камарига қиёслаш мумкин. Одамларимиз тиним билмай яратувчилик меҳнати билан шуғулланадилар, эл дастурхонини сара ноз-неъматларга тўлдиришга астойдил интиладилар. Бу гўшага қачон ташриф буюрсангиз, қайноқ ҳаёт, бунёдкорлик ишлари устидан чиқасиз. Қурилиш, бунёдкорлик борасидаги ишларимиз ҳам мақташга арзигулик, албатта.

Биргина ўтган йили еттита ижтимоий объект инвестиция дастури асосида фойдаланишга топширилди. 156 та арзон уй-жойлар қурилиб, муҳтож оилаларга имтиёзли кредит ҳисобидан ажратиб берилди. «Обод қишлоқ» дастури доирасида амалга оширилган юмушлар ҳам эътиборга сазовор. Паррандачилик, Гулобод, Пулимуғоб маҳаллалари ҳудуди тўла реконструкция қилиниб, замонавий шаҳарча қиёфасига кирди. Мактаблар, мактабгача таълим ташкилоти, оилавий поликлиникалар қайта таъмирдан чиқарилди, электр узатиш тармоқлари, табиий газ, ичимлик сув таъминотини яхшилашга эришдик. Кўчаларни асфальтлаш, тош билан текислаш, пиёдалар йўлакларини қуриш ва тунги ёритиш чироқлари ўрнатишга алоҳида аҳамият қаратдик.

Биз аҳолига қулайликлар яратиш, кундалик эҳтиёж учун зарур шароитларни таъминлаш бўйича катта тадбирлар ишлаб чиққанимиз, айниқса, самара бермоқда. 2019 йилда шу мақсадда туманда 18 та бозор инфратузилмаси объектларини ишга туширдик. Айтиш жоизки, қурилишга оид юмушларнинг барчаси олдиндан келишилган ҳолда лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, экспертиза хулосаси олингач, пудратчи ташкилот томонидан бажарилди.

2020 йил ҳам туманимиз аҳли учун баракали бошланди. Йил бошида иккита умумтаълим мактаби, иккита МТМ, ДСЭНМ биноларини тўлиқ қайта реконструкция қилиш мўлжалланган. «Ўзбекистон», «Қозиқўрғон», «Қумзор» маҳалла фуқаролар йиғинларида кенг кўламдаги ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларини амалга ошириш белгиланган. Бундан ташқари, туманда фаолият кўрсатаётган бир қатор ташаббускор тадбиркорлар ўз маблағлари ҳисобидан йирик лойиҳаларни ишга туширишга бел боғлашганки, биз уларни қўллаб-қувватлаш билан бирга, амалий ёрдам кўрсатишга интиляпмиз.

Юқорида айтганимдек, ҳудудимиз Самарқанд шаҳрига туташиб кетгани боис ҳам ўзимизга боғлиқ ёки боғлиқ бўлмаган бир қанча топшириқларни бажаришимизга тўғри келмоқда. Жумладан, Самақанд эшкак эшиш канали атрофидаги туристик марказ қурилиши ёки Хўжа Аҳрори Валий кўчасини реконструкция қилиш, янгича қиёфа бағишлаш бўйича режалар олдимизга анча вазифаларни юклаган. Масалан, туристик марказ жойлашган манзил ва унга олиб борадиган йўл бизнинг ҳисобимизда турибди. Табиийки, бу жараёнларда айрим турар ва нотурар жойлар бузилиши эҳтимоли йўқ эмас. Шу боис ҳар хил тушунмовчилик юзага келиши мумкин. Аввало эҳтиёждан келиб чиқиб бинолар эгаларини норози қилмаслик, бу борадаги ишларни қонуний асосда амалга оширилишини таъминлаш мақсадида махсус штаб ташкил этганмиз. Туман ҳокими бошчилигидаги комиссия барча юмушларни режали мувофиқлаштириб бормоқда. «Grand real profi» МЧЖ баҳолаш ташкилоти томонидан объектлар баҳоси бозор нархида белгиланиб, товон пули тўланяпти, янги турар жой ажратиляпти. Бугунгача Жўйисой, Қўштамғали, Қозиариқ маҳаллаларидаги 200 га яқин хонадон ва нотурар жой бузилиб, йўлни реконструкция қилиш, инфратузилма объектларини қайта қуриш ишлари жадал бошланган.

Хуллас, туманда иш қизигандан-қизиган. Юртни обод қилиш, одамлар яшаш шароитини янада яхшилаш, қулай муҳит яратиб бериш эса бизнинг долзарб вазифамиздир.

**Шуҳрат ЖУМАЕВ,**
**Самарқанд тумани ҳокими ўринбосари.**

# Кўприк қурган етар муродга

**Самарқанддаги «Кўприклардан фойдаланиш» унитар корхонаси жамоаси шу кунларда Зарафшон дарёсининг сўл ирмоғи – Қорадарё узра янги замонавий кўприк қурилишини шижоат билан олиб бормоқда.**

«Самарқанд – Бухоро – Туркманбоши» М-37 автомобил йўлининг бошланишидаги мазкур йирик иншоот республика Мустақиллигининг 29 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

«Йўл лойиҳа бюроси» ва «Йўл инжиниринг» МЧЖ мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида барпо этилаётган объектнинг қиймати 27 миллиард сўмдан иборат. Бош муҳандис Усмон Тошпўлатов бошчилигидаги йўлсозлар айни пайтда мураккаб технологик жараёнларни – бурғулаш, 1020 мм ли темир қозиқларни ерга уриш, темир-бетон конструкцияларини жипслаб ўрнатиш каби юмушларни соз ва сифатли бажариб, жадвалдан ўзиб ишлашга ҳаракат қиляптилар. Тажрибали усталар ва ишчилардан Анвар Валиев, Муҳиддин Пўлатов, Соҳибжон Сафаров, Шермамат Бобоқулов, Шаҳбоз Қўзиев, Раҳим Асраев, Жавлон Хидировлар, айниқса ғайрат кўрсатиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда. Шунингдек, ёрдамчи пудратчилар «Иншоот» акциядорлик жамияти, «Вазир-Парвиз» МЧЖ бунёдкорлари бетон қуйиш, пайвандлашда уларнинг яқин мададкорлари ҳисобланишади. Муҳими, ишчи-хизматчилар дам олиши, меҳнат қилиши учун барча имкониятлар яратилганлиги ютуқларга йўл очмоқда.

– Дастлаб бундай улкан, салобатли кўприкни тиклашга малакамиз етишмаса керак, деб ўйлаган эдим, – дейди корхона директори Аҳад Ўроқов. – «Кўз - қўрқоқ, қўл - ботир», деганларидек бошида озроқ қийинчиликка дуч келдик, аммо барча мураккабликни енгиб ўтдик. Мана, кўрганингиздек ҳаракатимиз зое кетмаяпти, ҳаммасини ўз кучимиз билан уддалаяпмиз. Замон талабига мослашиш, изланиш, соҳа сир-асрорларини қунт билан ўрганиш туфайли муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Жаҳон андозаларига мос техника воситалари, механизмлар харид қилингани ҳам ишда қатор енгилликлар туғдиряпти.

Яна бир гап. Ҳозирги қудратли машиналар қатнови туфайли бироз яроқсиз ҳолга келган эски кўприк ҳам минглаб, миллионлаб кишилар ҳожатини чиқаргани сир эмас. Буюк алломалар Имом Исмоил ал-Бухорий, Махдуми Аъзамга борувчи зиёратчиларни айтмайсизми! Улар дарё устидан ҳар гал ўтишганида қадимий иншоот қурилишида жонбозлик кўрсатганлар шаънига илиқ фикрлар айтишгани ҳам ҳақиқат. Истардикки, бугунги бунёдкорлик меҳнати ҳам тарихга айланиб, асрлар оша одамларга хизмат қилсин, улар бизни олқишлаб, дуога қўл кўтаришсин. Зеро, инсонга бундан ортиқ фахр-ифтихор, бахт бўлмаса керак.

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

**Республика ҳукумати, вилоят ҳокимлигининг саъй-ҳаракати, қўллаб-қувватлаши туфайли туманимизда кейинги йилларда беқиёс ўзгаришлар, катта ижобий силжишларга эришилмоқда.**

# Кенг кўламли вазифалар кутмоқда

Бизда 2019-2020 йилларга мўлжалланган инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхати шакллантирилиб, дастур доирасида фаолият юритилаётганлиги барча ютуқлар омили бўлаяпти. Хорижий ишбилармонлар сармоясини жалб қилган ҳолда янги корхоналар ташкил этиш, ишлаб чиқариш, қурилиш кўламини кенгайтириш юзасидан, айниқса амалий ишлар бошлаб юборилган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Хитойнинг 350 миллион долларлик тўғридан-тўғри инвестицияси туманимизга йўналтирилгани, айниқса эътиборлидир.

Ўтган йили ушбу сармоядан фойдаланиш мақсадида йилига 1 250 квадрат метр сифатли сендвич панел, пенопласт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги корхона ва 100 иш ўринли, ойига 1,5 миллион дона ғишт тайёрлашга мўлжалланган заводни қуришга киришилди. 2 минг гектар лалми ва 3 минг гектар яйловларда чорвачилик мажмуасини яратиш, суяк ва терини қайта ишлаш, балиқчилик, паррандачилик, узумчилик, иссиқхона, интенсив боғ, мева-сабзавотни қайта ишлаш логистик маркази ташкил этиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Италия, Буюк Британия, Беларус республикаси билан манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилганлиги ҳам янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва иш ўринлари яратиш имконини бермоқда.

Тумандаги «Килдон» акциядорлик жамиятининг бўш турган бино-иншоотлар ва фойдаланилмаётган ер майдонлари негизида кичик саноат зонаси очилгани тадбиркорликни ривожлантиришга яна бир туртки бўлди. Яратилган шароит ва мавжуд имтиёз, банк кредит ажратиши муносабати билан 8 та инвестиция лойиҳаси ишга туширияпти. «Колибри» МЧЖ резина шиналарни қайта ишлаш ва каучук резина плиткалар, «Булунғур мебель сервис» хусусий корхонаси мебель ишлаб чиқаришни, «Шоҳжаҳон ЖСД» фермер хўжалиги замонавий ускуналарга асосланган музлаткичли омборхона қурилишини бошлаган. Бир сўз билан айтганда, иқтисод соҳасида дейсизми, қурилиш соҳасидами, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий соҳалардами ўз олдимизга қўйган вазифаларни тўлақонли бажаришга астойдил интиляпмиз.

Халқимиз эртанги кунидан эмас, бугунги кунидан рози бўлиб яшаши учун зарур қулайликлар яратиш асосий бурчимиз эканини унутмаслик лозим. 2019 йилда қатор мактаб, мактабгача таълим ташкилоти, оилавий поликлиникалар қайтадан бунёд этилди ва тўлиқ таъмирланди. Арзон уй-жойлар қуриш дастурига мувофиқ, иккита 4 қаватли 48 хонадонга эга, 38 та икки сотихли 3 хонали турар жой фойдаланишга топширилди. Муҳими, аҳолининг газ, электр, ичимлик сув таъминотини яхшилаш, йўлларни таъмирлаш, ижтимоий-маданий, хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтириш борасида анча ютуқлар қўлга киритилаётир. «Обод қишлоқ» давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Чангал, Янги қишлоқ ва Меҳнатобод қишлоқларида катта ҳажмдаги ободонлаштириш, бунёдкорлик юмушлари амалга оширилди. Жами 622 хонадонда яшовчи 4 279 нафар кишининг турмуш даражасини яхшилашга эришдик.

Давр шиддати тез. Бу эса бизни бирор дақиқа, хотиржам бўлиш, қилинган ишлардан ғурурланишга йўл қўймайди. Чунки ҳали олдинда янада кенг кўламли вазифалар кутмоқда. Хусусан, 2020 йилги режаларимиз ҳам улкан бунёдкорлик юмушлари билан йўғрилган. Туман марказини реконструкция қилиш, 21, 26, 29-МТТ биноларини таъмирлаш, Килдон, Соҳибкор маҳаллаларида сув иншоотлари қуриш, 24 хонадонли тўрт қаватли уй бунёд этиш, 13 та кўп қаватли уй-жойни қайта таъмирлаш, электр, газ таъминотини янада яхшилаш, йўлларга тош ётқизиш, асфальтлаш, тунги ёритиш чироқлари ўрнатиш каби кўплаб долзарб юмушларни бажариш кўзда тутилган.

«Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди», деганларидек ҳукуматимизнинг қўллаб-қувватлашидан ташқари, халқимиз орасида ташаббускор, янгиликка ўч, қалби олов яратувчилар бор экан, эртанги кунимиз янада порлоқ бўлиши, шубҳасиз.

**Раббимқул ХОЛЖИГИТОВ,**
**Булунғур тумани ҳокимининг капитал қурилиш ва саноатниривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари.**


## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 январдаги ПҚ-4565-сонли «2020-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида**

## «Бухоросувқурилишинвест» ДУКда

**2020 йилда манзилий Давлат дастурига киритилган қуйидаги объектлар бўйича танлов савдолари ташкил этилмоқда:**

**Мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш йўналиши бўйича:**

1. Бухоро туманидаги «Чақмоқ-А» коллекторининг ПК 77+30даги ва Ромитан туманидаги «Варахша» коллекторининг ПК 00+10даги қувурли кесишмаларни реконструкция қилиш ва қуриш.

**Қиймати** – 803 731 631 сўм (ҚҚС билан).
**Қурилиш муддати** – 6 ой.

2. Шофиркон туманидаги «Толди» ва «Жилвон» ҳамда Ғиждувон туманидаги «Қорабоғ» массивларида очиқ коллектор тармоқларини қуриш ва ёпиқ дренаж тармоқларини реконструкция қилиш.

**Қиймати** – 827 777 503 сўм (ҚҚС билан).
**Қурилиш муддати** – 8 ой.

3. Бухоро туманидаги «Новметан ариғи», «Қуйи Ғозиобод» ва «Жуйзар Маданият» СИУлар ҳудудларида очиқ коллектор тармоқларини қуриш ва ёпиқ дренаж тармоқларини реконструкция қилиш ва қуриш.

**Қиймати** – 855 897 962 сўм (ҚҚС билан).
**Қурилиш муддати** – 8 ой.

4. «Бухоро-Агро» эркин иқтисодий зонаси ҳудудидаги Бухоро туманидаги «Асад Шокиров» ва «Бўрдоқичилик» ва Ромитан туманидаги «Ф. Қурбонов» ва «Нурафшон» массивларидаги коллектор-дренаж тармоқларини ва тик дренаж қудуқларини реконструкция қилиш ва қуриш.

**Қиймати** – 1 771 229 345 сўм (ҚҚС билан).
**Қурилиш муддати** – 18 ой.

5. «Бухоро-Агро» эркин иқтисодий зонаси ҳудудидаги Ромитан туманидаги «Боғитуркон» ва Когон туманидаги «Зиёқобил» ҳамда Пешкў туманидаги «Туркистон» массивларидаги коллектор-дренаж тармоқларини реконструкция қилиш ва қуриш.

**Қиймати** – 2 990 444 683 сўм (ҚҚС билан).
**Қурилиш муддати** – 25 ой.

6. Когон туманидаги «Куржан» хўжаликлараро коллекторини реконструкция қилиш.

**Қиймати** – 1 025 875 982 сўм (ҚҚС билан).
**Қурилиш муддати** – 6 ой.

7. Бухоро тумани ва Бухоро шаҳридаги «Новметан» коллекторининг 11-тармоғини реконструкция қилиш ҳамда «Айланма» коллекторининг 7-тармоғини ёпиқ-дренажга айлантириш.

**Қиймати** – 1 518 261 589 сўм (ҚҚС билан).
**Қурилиш муддати** – 8 ой.

**Ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш йўналиши бўйича:**

8. Бухоро шаҳридаги «Фаракент-1» каналини реконструкция қилиш.

**Қиймати** – 6 275 500 295 сўм (ҚҚС билан).
**Қурилиш муддати** – 12 ой (вегитация мавсумидан ташқари).

**Қурилиш ишларини молиялаштириш манбаси** – Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан

**Буюртмачи:** «Бухоросувқурилишинвест» ДУК.

**Манзили:** Бухоро шаҳри, Шибуддин 4-муюлиш, 12-уй.

**Тел.:** (65) 225-54-28.

**Тендер савдоларида қатнашиш учун қуйидаги шартларга мос келишлари керак:** тендер савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномага, ишлар (хизматларни)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга тажрибали ва ишончли бўлиши шарт.

**Таклиф (оферта)лар очилиши улар dxarid.uz махсус ахборот порталида берилган кундан бошлаб тендер савдолари 15 кундан кейин, танлов савдолари 10 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:** Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 6-уй.



## «Kim oshdi savdo servis» МЧЖ

**нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

2020 йил 10 апрель куни бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига «Агрокимё станцияси» МЧЖнинг 2020 йил 25 февралдаги 4-сонли хатига, «Агрокимё станцияси Хоразм филиали» МЧЖнинг 2020 йил 26 февралдаги 03-и/ч-сонли буйруғига ва «Агрокимё станцияси Хоразм филиали» МЧЖнинг 2020 йил 6 мартдаги 9-сонли хатига асосан Урганч шаҳар Хонқа кўчаси 36/3-а-уйда сақланаётган «Агрокимё станцияси Хоразм филиали» МЧЖга қарашли бўлган қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда:

2016 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 90 496 ХАА бўлган ГБАСПГ COBALT русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич баҳоси** – 66 914 312 сўм.

Ушбу мол-мулклар 2020 йил 10 апрелдаги очиқ аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2020 йил 29 майгача расмий иш кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

**Аукцион савдосида иштирок этишни истаганлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– **жисмоний шахслар** – паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Ушбу савдода қатнашиш истагида бўлган харидорлар закалат шартномасини тузиб, «Kim oshdi savdo servis» МЧЖ ҳисоб рақамига 10 (ўн) фоиз гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб, рўйхатдан ўтишлари шарт.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар (ахборот ва маслаҳат хизмати) кўрсатиш учун тўлов олинади.

Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин, соат 16.00 да тўхтатилади.

**Тўлов учун реквизитлар:** ҳисоб рақами 2020 8000 0049 5964 3001 АТИБ «Ипотека-банк» Тинчлик филиали МФО 00580 СТИР 302 221 689.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 5 (беш) кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш юклатилади.

**Телефон:** 91-421-00-88.
**Веб-сайт:** www.koss.uz

*4621 рақамли гувоҳнома.*



## Уважаемые акционеры
## АО «МНГМ»!

**АО «Мубарекнефтегазмонтаж», расположенное по адресу:** Кашкадарьинская область, г. Мубарек, 2-й микрорайон, извещает Вас, что 27 марта 2020 г. в 10.00 состоится внеочередное общее собрание акционеров Общества.

Место проведения внеочередного общего собрания – Кашкадарьинская область, г. Мубарек, 2-й микрорайон, ул. Занжирсарой, административное здание АО «Мубарекнефтегазмонтаж.

Список акционеров, имеющих право на участие на общем собрании акционеров, будет составлен по состоянию на 23 марта 2020 года.

### Повестка дня:

1. Утверждение количественного, персонального состава счетной комиссии и регламента внеочередного Общего собрания акционеров АО «МНГМ».
2. Досрочное прекращение полномочий действующего состава Наблюдательного совета общества.
4. Выборы состава Наблюдательного совета АО «Мубарекнефтегазмонтаж».
5. Досрочное прекращение полномочий действующего состава ревизионной комиссии общества.
6. Выборы состава ревизионной комиссии АО «Мубарекнефтегазмонтаж».

В период подготовки к проведению общего собрания акционеров Вы сможете ознакомиться со следующими материалами:

письмо Агентства по управлению государственными активами Республики Узбекистан от 12.02.2020 г. за № 746/03-08;

письмо нового акционера Тен Натальи Радионовны от 25.02.2020 г.;

данные о кандидатурах.

Убедительная просьба всем акционерам АО «МНГМ» прислать свои заявления, копии паспортов, копии договоров с банками и реквизиты банковских счетов для перечисления неполученных дивидендов за 2014-2016 годы.

**Наш адрес:** Кашкадарьинская область, город Мубарек, 2-й микрорайон, АО «Мубарекнефтегазмонтаж».

**E-mail:** mngm01@mail.ru, mngm07@mail.ru

**Тел.:** (98) 274-21-16, (98) 274-21-36.

**Телефон начальника отдела корпоративных отношений с акционерами:** (97) 300-87-14.

Регистрация участников – 27.03.2020 г. с 09.00 по 10.00.

Просьба при себе иметь паспорт или иное удостоверение личности.

**Наблюдательный совет «МНГМ».**

# Мукофотлар муборак бўлсин!

## Рағбат – янада фаолликка чорлайди

**Баҳор – юртимиз янада гўзал. 8 март – фусункор табиат, одамлар руҳиятида, жону жисмида янгиланиш шукуҳи. Она, опа, сингил – меҳрибон хилқат.**

Жамиятда опа-сингилларимизнинг фаоллиги ортиб бораётгани жуда катта ютуқ. Бу ҳатто энг чекка қишлоқларимизда ҳам сезиляпти. Аёлларимиз, қизларимиз янгиланишлардан шунчаки рози бўлиб ўтиришгани йўқ. Ўзлари ҳам ислоҳотларга баҳоли қудрат ҳисса қўшишяпти. Шу йўлда фидокорона меҳнат қилмоқда.

Мамлакатимизда азиз ва мўътабар аёл зотига муносиб эҳтиром кўрсатиш, опа-сингилларимизнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва нуфузини ошириш, юртимизнинг иқтисодий қудрати ва жаҳон миқёсидаги мавқеини юксалтириш борасидаги улкан хизматларини муносиб қадрлаш мақсадида ҳамда оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, фарзандларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ишларига қўшган катта ҳиссаси, янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги самарали меҳнати билан ташаббус ва ибрат кўрсатиб келаётгани учун бир гуруҳ хотин-қизлар Президентимизнинг 2020 йил 6 мартдаги «8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонига мувофиқ фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотланишди. Бу ҳам юртимиз хотин-қизларига юксак эътиборнинг бир намунасидир.

Ана шу Фармондаги «Дўстлик» ордени билан мукофотланганлар қаторида Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманидаги «Сарбозор қурилиш транс» хусусий корхонаси раҳбари Замира Рустамовна Мустафоева ҳам бор.

1979 йилда Ғаллаорол туманидаги 44-сонли ўрта махсус таълим мактабини тугаллаган Замира Рустамовна 1984 йили Жиззах қишлоқ хўжалик техникумининг Бухгалтерия факультетини имтиёзли диплом билан тамомлади.

Бир неча йил техникумда олган мутахассислиги бўйича турли ташкилотларда меҳнат қилди. Кейинчалик юртимиз равнақи, гуллаб-яшнаши йўлида Жиззах вилоятининг турли туманларида бир-биридан кўркам биноларни бунёд этди.



Шаҳар ва қишлоқларимизнинг янада обод бўлишида хотин-қизларимизнинг ҳам улуши борлиги инсонни мамнун этади. Замира опа ҳам бу борада даставвал Жиззах вилоятининг Бахмал туманидаги саноат коллежини барпо этишда ўзини кўрсатди. У раҳбарлик қилган қурилиш ташкилоти коллежни тез фурсатларда, сифатли бунёд этиб, ёш авлоднинг таълим олиши учун фойдаланишга топширди. Шундан сўнг, йиллар давомида ўнлаб умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим ташкилотлари, бошқа қатор ижтимоий соҳа объектларини қуриш, таъмирлаш ва қайта таъмирлаш ишларида фаол иштирок этди.

– Аёл киши эътибордан яшаради, деган гап бор халқ орасида. Бу – улуғ ҳикмат. Ўзбекистонда бу йилги хотин-қизлар байрамининг шукуҳи ўзгача бўлди. Опа-сингилларимиз юз-кўзларида ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ қувонч, мамнунлик ифодасини кўрдим. Уларнинг эртанги кунга ишончи янада ошган, – дейди Замира Мустафоева. – Улар қаторида менинг борлигим эса катта бахтимдир. Камтарона хизматларим давлатимизнинг бундай юксак мукофотига лойиқ топилганидан севинчим осмон қадар. Бунинг учун муҳтарам Президентимизга чексиз миннатдорчилигимни билдираман. Бундай катта рағбат бизни жамият ҳаётида янада фаол иштирок этиш, халқимизга чин кўнгилдан хизмат қилишга ундайди.

**Ўз мухбиримиз.**

**Юртимиз ривожи учун барча соҳаларда меҳнат қилаётган ватандошларимиз орасида эркаклар билан бир сафда аёл кишилар ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Улар аёл киши бўлишига қарамасдан, қишнинг изғирин совуқларида ва ёзнинг саратон иссиғида ҳам беминнат хизмат қилиб келмоқда. Уларнинг камтарона меҳнатини муносиб баҳолаш, рағбатлантириш, қадрлаш ва эъзозлаш бизнинг энг улуғ вазифамиздир.**

## Бу бизнинг Айнур



Шулардан қурилиш соҳасида ҳам ватанимиз ривожи учун катта ҳисса қўшиб келаётган аёллар меҳнати таҳсинга сазовор.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 6 мартдаги «8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги «Жайхун универсал қурилиш» масъулияти чекланган жамияти кран машинисти Турдимуратова Айнур Бахтибаевна «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Айнур Турдимуратова бир неча йиллардан буён юрт равнақи учун қурилиш соҳасида, «Жайхун универсал қурилиш» масъулияти чекланган жамиятида эса қарийб 15 йилдан буён ўзининг севимли касби кран машинисти бўлиб ишлаб келмоқда.

У бир нафар фарзанднинг бахтли онаси, бахтли қурувчи ва энг муҳими бахтли аёлдир. Қорақалпоқ заминида юрсангиз, осмонўпар биноларга боқиб, «Бу уйларни бизнинг синглимиз, опамиз қурган» дея ғурур билан айта оламиз.

Ўз навбатида Ватанимиз ривожи учун тинмай ҳалол меҳнат қилиб келаётган Айнура Турдимуратовани мамлакатимизнинг юксак мукофоти «Шуҳрат» медали билан тақдирлангани биз учун юксак шарафдир. У каби барча қурувчи аёлларни, юртимиздаги опа-сингил ва онахонларимизни 8 март-Халқаро хотин-қизлар байрами билан табриклаб, ишларида омад ҳамда оилавий бахт-саодат тилаб қоламиз.

**Марат УЛПЕТОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Қурилиш вазирлиги матбуот котиби.**

## Таваллуд айёмингиз билан!

Айни кунларда ўз таваллуд кунларини нишонлаётган Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги марказий аппарати ходимлари **Зебо Абдувалиевна Исламова, Шерзод Шуҳратович Низамов, Шаҳло Заировна Азимова**ни, шунингдек, «Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси» ДУК Фарғона вилояти филиали етакчи мутахассиси **Игорь Сергеевич Михайленко**, «Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси» ДУК Сирдарё вилояти филиали ходимлар бўлими инспектори **Саиджон Собирович Султанов**, Сурхондарё вилояти Қурилиш бош бошқармаси Бойсун тумани қурилиш бўлими бошлиғи в.б. **Акмал Мамаражабович Соибназаров**, Жиззах вилояти Қурилиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи **Маҳмуд Шавкат ўғли Эгамбердиев** ва Жиззах вилояти Қурилиш бош бошқармаси Фориш тумани архитектори **Рустам Нормуродов**ни чин дилдан самимий муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, амалга ошираётган ишларида улкан зафарлар тилаймиз.**

## Қўғирчоқ театри замонавий бинода иш бошлайди

**Санъат инсонни эзгуликка чорлайди, унинг ҳар бир тури қалбга ўзгача завқ ва гўзалликни армуғон этадики, ижодкорларнинг ана шундай мафтункор асарларини томоша қилганда, беихтиёр унга тасаннолар айтиб, дилингиз ҳузурланганидан кайфиятингиз кўтарилади. Ҳа, санъат ана шундай сеҳрли ва жозибали кучга эга. Бу гўзалликни англаш, ҳис қилиш мумкин, холос.**

Жуда қадимий санъат турларидан бири қўғирчоқ театридир. Унинг жозибадорлиги, томошабинга манзурлиги, содда-гўзаллиги ва мўъжизали табиатга эга бўлиши билан диққатга сазовордир. Дарҳақиқат, жонсиз, тилсиз, оддий қўғирчоқлар воситасида инсон ҳаёти, муносабатлари, ахлоқи, одатларини бадиий, ҳаққоний ва жозибали қилиб намойиш этишнинг ўзи мўъжиза, назаримизда.

Жажжи санъат ихлосмандларини ана шундай гўзалликдан баҳраманд этиб келаётган Ўзбекистон Давлат қўғирчоқ театри биносида реконструкция ишлари ўз якунига етди. Театр ушбу бинога 1979 йилда кўчган бўлиб, ўтган 40 йил давомида таъмирланмаган. Шу сабаб, бино аста-секин ўзининг бошланғич кўринишини йўқотиб борганди. Ҳозирда олиб борилаётган реконструкция ишлари давомида театр биносининг нафақат дастлабки кўриниши сақлаб қолинишига эришилган, балки унга қўшимча янгиликлар ҳам киритилишига ҳаракат қилинди.

Бинога аввалги оппоқ ранги қайтарилиб, кираверишда эртак қаҳрамонлари ўрин олган, фавворалар ўрнатилган, рангли керамик безаклар янгиланган. Кириш қисмининг юқорисида жойлашган бронзали композиция қайтадан тикланди, томошабинлар зали ва саҳна янгиланди, театр фойесидаги «сеҳрли» девор реконструкция қилиниб, янги панно, фаввораli кичик ҳовли қўшилган. Нақшинкор устунлар ва ёритгичли шифт янгиланиб, театр кенг ва ёруғ кўриниш касб этган.

– Ўзбек ва жаҳон драматурглари яратган асарлар асосида турли образларни яратиш, қўғирчоқларни танланган сценарий бўйича турфа усуллар орқали ҳаракатга келтира олиш, энг муҳими ўзбек халқ ва жаҳон эртаклари асосида кичик саҳна асарларини намойиш қилиш асносида жажжи томоашабинлар қалбида санъатга, эзгуликка ошно этиш баробарида, улар қалбида она ватанга ва миллий инсоний қадриятларимизга чексиз ҳурмат руҳида камол топтиришга интилиб келмоқдалар, – дейди театр директори Ҳотам Охунов. – Албатта, қўғирчоқ театри санъати актёрлик маҳоратининг қанчалар юксак шаклланганлиги ижодкорнинг қўғирчоқларни ўйнатиш усулларини қай даражада мукаммал эгаллагани билан тавсифланади. Бу борада эса бемалол айта оламизки, бизнинг актёрларимиз ҳақиқий санъаткорлардир.

Реконструкция ишлари ўтган йилнинг апрель ойида бошланиб, ҳозирда залнинг ёритиш ва овоз бериш ускуналарини ўрнатиш қолди, улар ҳам замон талабига мос равишда бўлади.

Театр директори Ҳотам Охуновнинг сўзларига кўра, бино шу йилнинг апрель ойида томошабинлар учун ўз эшигини очади.

**Ўз мухбиримиз.**

## Ҳеч бир меҳнат бесамар кетмас

**Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча жабҳаларида муҳтарама аёлларнинг, дилбар опа-сингилларимизнинг фаоллиги эътиборга молик. Улар турли соҳаларда ўз билими, маҳорати, касбий салоҳияти, зукколиги ва меҳнаткашлиги билан давлатимиз равнақига ўзларининг муносиб улушини қўшиб келмоқдалар.**

Навоий вилояти, Кармана туманидаги «Полипропилен қувурлар» МЧЖ директори, Халқ депутатлари Навоий вилояти кенгаши депутати Мадия Сабитова ҳам ана шундай интилувчан ва ташаббускор аёллардан. Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришга бу орқали иқтисодиётимизни юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган Мадия Собитова ўз олдига қатор эзгу мақсадлар билан халқ фаровонлигини оширишга ҳисса қўшиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 2 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги фармони асосида фаолият олиб бораётган мазкур корхонада маҳсулотларни экспортга йўналтириш борасида изчил ишлар амалга оширилиб, жумладан, маҳсулот ишлаб чиқариш қувватларини янада кенгайтириш мақсадида хорижий давлатлар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилган.

Янгича ғоялар ва эзгу ташаббус асосида меҳнат қилаётган Мадия Сабитованинг йилнинг тўрт фаслида ҳам бунёдкорлик ва ободонлаштириш кайфияти, ғайрати асло тарк этмайди. Албатта, раҳбарлик бугун инсондан катта масъулият ва касбга виждонан ёндошувни, ходимларнинг ҳар бири билан индивидуал ишлашни талаб этади. Шу жиҳатдан олиб қараганда Мадия Сабитова корхонада фаолият юритаётган ҳар бир ходимнинг ижтимоий аҳволи, муаммолари, дарду ташвишларига ҳамиша ҳайрихоҳ бўлишни ўзининг раҳбарлик, инсонийлик бурчи деб билади.

1966 йилнинг 20 сентябрида қадим Самарқанд вилоятида туғилиб, вояга етган Мадия Сабитова 1988 йилда Москва озиқ-овқат саноати технология институтида муҳандис-технолог йўналиши бўйича билим эгаллади. 2002 йилда эса Бозор муносабатлари институти( Москва) нинг ташқи иқтисодий фаолият иқтисодчи мутахассислигида таҳсил олди.



Асосий фаолиятини 1988 йилда Навоий вилояти гўштни қайта ишлаш заводида муҳандис-бактериолог лавозимидан бошлаган Мадия Сабитова кейинчалик ўз касбига бўлган фидойилиги, ўткир зеҳни ва билими билан турли ташкилотларда бўлим бошлиғи, раҳбар сифатида фаолият юритди.

Мадия Сабитова бағрикенг ва самимий раҳбар бўлиши баробарида кенг сиёсий дунёқарашга эга инсондир. Навоий вилояти «Адолат» СДПдан номзоди Халқ депутатлари Навоий вилояти кенгаши депутатлигига кўрсатилиб, 17-Маликработ сайлов округига депутат этиб сайланди. Ушбу ваколатидан келиб чиққан ҳолда маҳаллаларда истиқомат қилаётган фуқароларнинг турли масалалар юзасидан муаммоларининг ҳал этилишига ҳисса қўшиб келаётган Мадия Сабитова уларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратиб келади.

Албатта, мамлакатимизда меҳнат қилган, халқнинг дарду ташвишлари ва манфаатларини ўзининг-да шахсий манфаатларидан устун қўя оладиган инсонларнинг меҳнати ҳеч қачон беэътибор қолмайди. Шу маънода Мадия Сабитованинг ҳам мамлакат равнақи йўлида олиб бораётган муносиб меҳнатлари рағбатлантирилди. 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни байрами арафасида Давлатимиз раҳбарининг Фармонига мувофиқ «Дўстлик» ордени соҳибаси бўлди.

Бу юксак эътибор ва эътироф Мадия Сабитова каби муҳтарама хотин-қизларимизни, азиз аёлларимизни, жамиятимиз фаолларини бундан кейин ҳам янада ғайрат ва шижаот билан меҳнат қилишга, халқимиз тинчлиги ва фаровонлиги йўлида тинмай меҳнат қилишга, бор куч, билим ҳамда салоҳиятини шу мамлакат тараққиётига сафарабар этишга чорлаб қолади.

**Ўз мухбиримиз.**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги жамоаси вазирликнинг Мурожаатлар билан ишлаш бўлими бошлиғи
**Улуғбек Убайдуллаевич КУШАНОВ**нинг
вафоти муносабати билан таъзия изҳор этиб, унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
Строитель Узбекистана

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

Бош директор – Дилшод Жалолов

Таҳрир ҳайъати:
Ботир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Тўляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов,
Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

Таҳририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳиҳ – Райҳон Таниқулова

«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 71-244-21-71 (қабулхона), 71-244-05-15 (котибият),
71-244-15-13 (таҳририят), 71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-40-68 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbunyodkori@umail.uz

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:
Андижон, Наманган ва
Фарғона вилоятлари бўйича: 90-278-95-87.
Қорақалпоғистон Республикаси ва
Хоразм вилояти бўйича: 97-459-74-85.
Самарқанд вилояти бўйича: 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-353.
2221 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Д. Жалолов.
Навбатчи – Б. Гулямов.

ЎзА якуни – 21.40. Топширилди – 22.40.

1 2 3 4 5 6